



Ислом Нури

Одамалар ўртасидаги шарафи ва мартабаси сабабли озорланмаган биргина одам бўлсайди, у расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи саллам бўлар эдилар! Бироқ, саралаш учун мўмин ва мўминалар бало- имтоҳонларга дучор бўладилар. Мазах қилувчиларнинг мўминлардан иймонлари сабабли интиқом олаётганликлари маълумдир. Аллоҳ таоло айтди: **«Улар (мўминлардан) фақат у (мўмин)лар Азиз ва Ҳамид бўлган Оллоҳга — осмонлар ва Ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган зотга иймон келтирганлари учунгина ўч олдилар!»** (Буруж: 8)

* Аллоҳ таоло ўзининг азиз Китобида мўминларни мазах қилувчи кимсаларнинг мўминларга бўлган муносабатларини очиқ баён қилди: **«Куфр йўлини тутган кимсалар учун бу ҳаёти дунё чиройли қилинди. Улар иймон келтирганларнинг устларидан куладилар. Ҳолбуки, Қиёмат Кунисида тақводор зотлар улардан баланддир. Оллоҳ Ўзи истаган кишиларга ҳисобсиз ризқ беради.»** (Бақара: 212)

Мазах қилиш хунук ишлардан бўлгани учун ҳам, Аллоҳ таоло мазах қилувчиларни «жиноятчилар» деб атади: **«Дарвоқе жинояткор — кофир кимсалар иймон келтирган зотлардан (масхара қилиб) кулувчи бўлдилар. 30. Қачон (мўминлар) уларнинг олдидан ўтсалар улар бир-бирларига кўз қисишиб имо-ишоралар қилардилар. 31. Қачон уйларига қайтсалар (мўминларни масхара қилиб озор берганларидан) роҳатланиб қайтардилар. 32. Қачон (мўминларни) кўрсалар «Ана улар шак-шубҳасиз йўлдан озувчи кимсалардир», дердилар. 33. Ҳолбуки, улар (мўминларнинг) устига қўриқчи қилиб юборилган эмасдилар.»** (Мутоффиийн: 29-33)

Ҳар бир жиноятчи муваҳҳидларга қарши кўз қисиб, имо-ишора қилади



Ислом Нури

ва уларга истехзо билан қарайди. Уларнинг бу қилмишларидан Аллоҳ таолонинг ҳидояти насиб қилган, динини маҳкам тутган кўплаб ёш йигит-қизлар шикоят қиладилар. Улар доимо мазах ва истехзолардан шикоят қиладилар. Улар сабр қилсинлар! Чунки, оқибат тақволиларникидир. Улар Аллоҳ таолонинг ушбу сўзларини тааммул қилсинлар: **«Мўминлар орасидан ўз хоҳиши билан садақотлар қилувчи кишиларни ва (инфоқ-эҳон қилиш учун) кучлари етган нарсани топиб келган кишиларни айблаб, масхара қиладиган кимсаларни Аллоҳ масхара қилур ва улар учун аламли азоб бордир.»** (Тавба: 79)

Ибн Касир раҳимаҳуллоҳ айтади: «Бу ҳам мунофиқлар сифатларининг бири. Уларнинг айбланиш ва мазахларидан ҳар қандай ҳолатда қутилиб бўлмайди. Ҳатто садақа қилганлар ҳам улардан қутула олмадилар! Улардан бирортаси кўпроқ молни олиб келса: “Бу – риёкорликдир”, оз нарсани садақа қилса: “Аллоҳ унинг бу садақасидан беҳожатдир!”- дейдилар.

Биз сизга бугунги кунда одамлар ўртасида ёйилган мўминлар устидан кулишнинг баъзи кўринишларини баён қиламиз:

1 - Эзгу ишларга буюриб, ёмон ишлардан қайтарадиган кишилар жумласидан бўлган одамлар устидан кулиш

Улар Аллоҳ таоло зикр қилган Ислом умматининг нима сабабдан яхши уммат бўлганини ҳис қилган одамлардир. Аллоҳ таоло айтди: «(Эй уммати Муҳаммад), **одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Оллоҳга иймон келтирасиз.»** (Оли Имрон: 110)



Ислом Нури

Улар Аллоҳ Ислом умматига фарз қилган ушбу амални бажариш ва мусулмонлар тинчлигини сақлаш учун, бу катта ва шарафли вазифани амалга ошириш учун ҳаракат қиладилар. Шундай бўлишига қарамай, пасткаш инсонлар улар устидан куладилар, уларга туҳматлар ва ёлғонларни ёпиштирадилар. Аҳмад Жоруллоҳ айтган сўзлар бунга мисол бўла олади: «Дин номи билан машинангни тўхтатадилар ва хотининг ўз хотининг эканини исботлашингни талаб қиладилар!! Хотинингдан эса сенинг хотининг эканини исботлаш учун охири фарзандингнинг исмини ёки ётоқхонанинг шаклини ёхуд ҳожатхона деворларининг рангини, сен ишлатадиган қоғоз сочиқларнинг маркасини сўрайдилар!!»

Аҳмад Жоруллоҳ гина-адоватини қуйидаги сўзлар билан ифодалайди: “Кунларнинг бирида эчки соқол биттаси тўхтатиб: “Сен нимага диндорлар ҳақида гапираяпсан” деса бўладими?!!” - деди.

Аҳмад Жоруллоҳ бу билан кифояланмади, балки амри маъруф ва наҳйи мункар ҳайъатида фаолият кўрсатаётган кишилар ҳақида шундай деди: “Улар аслида масъулияти йўқ одамлар бўлиб, ўзларини одамлар устидан насиҳатгўй қилиб олганлар, одамларнинг хусусий ишларига аралашадилар, барча ҳаракатларини кузатадилар!!”.

Кейин эса: “Жанжалкашлик услуби – коммунистик бидъатлардандир”- деди.

Бу ёзувчи билан карикатурачи рассом Жаржис Айёд ўртасидаги алоқанинг ўта чуқур бўлгани сабаб Аҳмад Жоруллоҳ ўз гапларининг ўртасига Жаржиснинг дорга осилган аёл расмини ифодалаган карикатурасини қўйди.



Ислom Нури

Шундай қилиб, масиҳий салибий адоват сўз ва расмда ҳаёсиз илмоний йўналиш билан бирлашди. Гўё улар Аллоҳнинг нурини оғизлари билан пуфлаб сўндирмоқчи бўладилар! Ҳолбуки, Аллоҳ ўз нурини кофирлар ёқтирмасаларда камолига етказди!

Бу она сути оғзидан кетмаган ёзувчига қаранг! У, ўзига шиаликни дин қилиб олган Эрон билан баъсчи-коммунист ироқликлар ўртасидаги уруш йиллари баъсчилик (миллий коммунистик асосларга асосланган оқим) ва баъсчиларни мақтади. Ҳатто уларни музаффар фотиҳлар даражасига кўтарди. Худосизлик ва секуляризмга даъват этган одамларни олқишлаб мақолалар ёзди. Кейин санъат ҳақида мақолалар ёза бошлади. Ўзининг рўзномасини кечки кўнгилочар нарсалар ва маст-аласт инсонларни акс эттирган мақолалар билан тўлдирди. Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган одамларнинг мункар ва ҳаёсиз нарсаларга фаол кураш олиб бораётганларини кўрганида, қалби уларга нисбатан гина-адovat билан тўлди-да, салибчи устози Жаржисдан “мадад” олди ва ёзмаган нарсаси қолмади. Унинг қилган иши шоирнинг ушбу сатрларида мужассамдек туюлди менга:

Бошини бир кун урар қояга

Унга синдириб зарар бемоқчи гўё.

Ҳеч бир зарар бера олмас қояга

Балки ўзи қолар катта балога!



Ислом Нури

2 - Аллоҳ йўлида жиҳод қилаётган мужоҳидларни мазах қилиш

“Укоз” рўзномаси Афғон мужоҳидларига нисбатан гина-адоватлар акс этган хунук расмларни чоп этиб, мусулмонларни нафратлантирди. Ўша расмларнинг биринчисида афғонистонлик икки мужоҳиднинг дарахт кўчатининг остига сув қуяётганлари акс эттирилган. Бу билан, рассом, жиҳоднинг бошланишига ишора қилмоқда. Кейинги расмда эса, дарахт етишиб, мевалар берган, остида эса ҳалиги икки мужоҳиднинг пишган меваларни олиш учун бир-бири билан уришаётгани, бир-бирларининг соқолларини юлаётгани ва бир-бирларини ўлдириш учун автоматларини тўгрилаб тургани акс эттирилган.

“Укоз” рўзномаси уммат сафларини бирлаштирадиган сўзлар ўрнига, мужоҳидлар ҳақида мана шундай қабих нарсаларни ёзмоқда. Ҳа, бу пасткашлар мужоҳидлар устидан шундай кулмоқда. Ушбу ҳажвий расмнинг “Болалар учун ҳикоя” деб номланиши, дард устига чипқондир!

Бу рўзнома чоп этган нарсалари билан янги авлод қалбида жиҳодага бўлган нафратни уйғотмаяптими? Гўдаклар қалбида мужоҳидлар суратини ёмон қилиб кўрсатмаяптими? Менимча коса ичида нимкоса борга ўхшайди!!

3 - Уммат уламоларини мазах қилиш

Бу жиноят Ислом душманларигагина чекланиб қолмади, балки исломий даъватга мансубликни даъво қилаётган одамлардан ҳам содир бўлмоқда. Масалан, Муҳаммад Ғазолий (Хулуқул муслимнинг муаллифи, тарж) расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Аллоҳ ва охират кунига иймон келтирган одам аср намозини Қурайза



Ислом Нури

қабиласига етганда ўқисин” деб айтган ҳадис шарифларига таълиқ ёзар экан (Ғазолий ҳадиснинг маъносини ёзган. Унинг асли имом Муслимнинг “Саҳиҳ” китобларида мавжуд, 1770) Ҳанбалий мазҳабига мансуб уламолар устидан кулиб шундай дейди: “Агар анави қаттиққўл ҳанбалийлар у ерда ҳозир бўлсалар эди, намозини эртароқ ўқимоқчи бўлган одамга: “Эй Аллоҳ ва расулининг душмани, пайғамбарга осий бўлиб, унинг бизга қилган қатъий буйруғини рад этасанми?! Ахир бу мунофиқлик-ку! Биз йўлда қандай намоз ўқиймиз, ҳолбуки у зот намозни Қурайза қабиласида ўқишимизга амр қилдилар-ку!” деган бўлар эдилар”.

«Уялмасанг, ҳоҳлаганингни қил!»- дейдилар. Бу сўзлар – одамларга ноҳақ тўхмат қилиш ва ниятлари ҳамда ичларида яширинган нарсалар ҳақида билмай туриб гапириш. Бу ёмонлик, шармандалик ва хасислик нуқтаи назаридан кифоядир. Бундан ташқари Ислом уламоларнинг шакллари, овозлари ва фатволарини мазах қилган қанча-қанча одамлар борки, у масхарабоз-аскиячиларнинг бу мункарларини тўхтатиш вақти келди. Агар тўхтатилмаса, Умматнинг ҳолига вой!

- “Тафсирул-Қуръонил- Азийм”, 4 / 125.
- “ас-Сияса” рўзномаси, 28 / 11 / 1991.
- “ас-Сияса”, 12 / 12 / 1991.
- “Укоз” рўзномаси, 9405 сони, 26 / 10 / 1412 ҳ.
- “аш-Шаъбул мисрийя” жаридаси, 6 / 8 / 1991.